

Гулистон Давлат университетида ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иш ўринлари яратилиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда дастлаб тадбиркорларга яратилган имтиёзлар ва бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, банк томонидан тақдир этилаётган турли хизматлар ҳақида тегишли маълумотлар берилди.

Битирувчиларга имтиёзли кредитлар

Йиғилишда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида вилоятдаги банклар томонидан катта миқдорда имтиёзли кредит ажратилгани, ҳозирга қадар 520 нафар коллеж битирувчилари ушбу ҳуқуқни берувчи сертификат соҳиб бўлишгани тасвирланди.

Тадбир якунида тижорат банклари томонидан яна 220 нафар коллеж битирувчисига шундай сертификатлар топширилди.

Ўз мухбиримиз

ФАРҒОНА
Марғилон шаҳридаги педагогика коллежиде «Ватан тақдир — менинг тақдирим» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. У ёшларни турли гоёвий таҳдид ва «оммавий маданият»нинг зарарли оқибатларидан ҳимоялаш, вояга етмаганлар ўртасида эрта никоҳ қуриш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари назоратини кучайтиришга бағишланди.

Мақсад — ҳимоя

Тадбирда Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи А.Назаров, шаҳар прокурори Ёрданчи О.Йўлдошев, шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ж.Ахмедова «Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш», «Мафкуравий таҳдидлар ва оммавий маданиятнинг зарарли оқибатлари», «Қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари» мавзуларида маъруза қилишди.

300 нафардан зиёд ўқувчи иштирокидаги мулоқот эркин фикр алмуш тарзида ўтди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

НАВОИЙ

Юртимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зона мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ишлаб чиқариш кенгаймоқда

Навоий ЭИИЗ 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилнинг ўзига улар томонидан қарий 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, мобил ва стационар телефонлар, полиэтилен ва поливинилхлорид қувурлар, модellar ҳамда интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этишга доир яна еттига лойиҳани амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда.

М.АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 9-iyul, seshanba № 81 (3274)

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Жиззах туманидаги Уобсой қишлоғида жойлашган Шароф Рашидов номи болалар соғломлаштириш оромгоҳи бугун замонавий ва гўзал қиёфа касб этган. Мазкур оромгоҳда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингини таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан тасдиқланган «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2012 йилга мўлжалланган манзилли Дастур»га асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан катта ҳажмдаги реконструкция ишлари амалга оширилди.

Оромгоҳ 100 нафар ўғил-қизни ўз қучоғига олган. Дам олиш масканидеги байрамона руҳ болаларни қалбига ҳам кўчган. Чунки, ушбу масканнинг тантанали очилиш маросими «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлақати» болалар акцияси доирасидаги тадбир-

лаштириш борасидаги ўзига хос тажрибаси, яъни, ушбу масалага давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳамкорлиги бошқа мамлакатларда ҳам қизиқ уйғотмоқда. Ҳуқуқимизнинг томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва



Бахтиёр болалар мамлақати

ларга улаиб кетди. Республикаимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур акция «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ўтказилди.

Унда Касаба уюшмалари Федерацияси, вилоят ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутасаддилари, адабиёт ва санъат намояндalari иштирок этдилар.

— Тадбирдан қўзланган асосий мақсад ёш авлод онгига мамлакатимизда истиқлол йилларида инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, келажакимиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини сингдиришдир. — деди Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи раиси ўринбосари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Диёримизда Баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар болаларни соғломлаштириш йўналишидаги ишларда ҳам салмоқли натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг болаларни соғлом-

соғломлаштириш Концепцияси» соғломлаштириш ишлари сифатини янада оширди. Натижада оромгоҳлар нафақат жисмоний соғломлаштириш, балки фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш масканига ҳам айланди.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мўлжалланган Манзилли дастур мазкур соҳа ривожига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси. Унга мувофиқ йиллик корхона, ташкилот ва муассасалар, касаба уюшмалари томонидан янги оромгоҳлар барпо этилиб, мавжудларининг моддий-техник негизи мустаҳкамланмоқда.

2012 йилги Манзилли дастурга мувофиқ 30 дан ортик оромгоҳ капитал таъмирланди, реконструкция қилинди ва 3 та янги оромгоҳ қурилишига киришилди. Жорий йилда эса 2 та янги оромгоҳни барпо этиш, 15 та оромгоҳни реконструкция қилиш ва 19 та оромгоҳни капитал таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ш.Рашидов номи болалар оромгоҳида амалга оширилган катта ҳажмдаги реконструкция ишлари натижаси ўларок, 100 ўрилли ётоқ би-

носи, ошхона, тиббиёт хонаси қайта қурилиб, болажонлар ихтиёрига топширилди. Ушбу мақсадларга 1 млрд. 600 млн. сўм йўналтирилди. Оромгоҳ энг замонавий меҳмонхона, ошхона жиҳозлари, маиший техника воситалари билан таъминланди. Эндилқда болажонлар ҳар томонлама қўлайликларга эга бўлган дам олиш масканида мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар.

Жорий йилги мавсумда Жиззах вилоятида 66 та, шу жумладан, 14 та стадионар туридаги, 52 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Жами 9225 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Улардан 4000 нафари имтиёзли асосларда дам олдирилмоқда. Таъкидлаш зарурки, Обод турмуш йилида вилоят миқёсида болаларни соғломлаштириш камрови ўтган йилга нисбатан 15,3 фоизга кўлайди.

Вилоят оромгоҳларида «Меҳрибонлик» уйларининг 107 нафар тарбияланувчиси, 70 нафар иқтидорли бола, маҳаллаларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимоятлаб оилаларнинг 36 нафар фарзанди, шунингдек, корхона ва ташкилотлардаги жамoa шартномалари орқали ҳам таъминланган оилаларнинг 480 нафар фарзандини бепул соғломлаштириш режалаштирилган. «Алоқачи» оромгоҳида эса Оролбўйида истиқомат

қилувчи 30 нафар боланинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган.

Бугунги кунда стадионар оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш мавсумининг 2-навбати қизгин давом этмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Юсуфхона қишлоғида барпо этилган, барча қўлайликларга эга замонавий «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи болажонларнинг шўх-шодон кулгуларига тўлган. «Ниҳол» ҳам юқорида таъкидланган Манзилли дастур меваларидан биридир.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жорий йилги соғломлаштириш мавсумида мазкур оромгоҳда 150 ўринга мўлжалланган 3 та ётоқ биноси, ошхона, тиббиёт маскани, Маданият ва маърифат маркази, лужувард сузиш хавзаси, ёзги кинотеатр, спорт майдончалари, табиат қўйнидаги сўхбатлашув айвончалари энг замонавий усулларда барпо этилди. Ушбу мақсадларга 6 млрд. 100 млн. сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Оромгоҳ кутубхонаси 1000 дан ортик бадиий адабиётлар билан таъминланди. Болаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билимларини янада бойитиш мақсадида компьютер хоналари ташкил этилди. Дам олиш маскани замо-

навий юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, технологик асбоб-ускуналар, маиший техника воситалари билан таъминланди.

Жорий йилги соғломлаштириш мавсумининг 1-навбатида «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 150 нафар ўғил-қизни ўз қучоғига олди. Ташкил этилган ўнга яқин тўғараққа ўғил-қизлар ўз қизиқлиги бўйича жалб этилган. Хусусан, инглиз ва корейс тили тўғарақлари интерактив усулларда фаол ишламоқда. Таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиёт ва санъат намояндalari, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар билан ташкил этилаётган учрашув ва давра сўхбатлари орқали болажонларга Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, миллий ватанпарварлик туйғу-уларини сингдирилмоқда. Шунингдек, соғлом турмуш тарзи тарғиботига йўналтирилган фильмлар намойиш этилмоқда.

Касаба уюшмалари томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ташкил этилаётган «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлақати», «Касаба уюшмалари болаларга» акциялари, «Шу Ватанга бордир менинг керагим», «Озод эл фарзандиман» номи маънавий-маданий дастурлар, «Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллиги» номи китоблар кўргазмаси болажонлар маънавиятини янада бойитиш, уларни интеллектуал ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

Эркин КОМИЛОВ: Ўзини англаган халқ буюк ишларга қодир

Ўз қадр-қимматини билган, маънавий таянчига эга халқ ҳамisha тараққиётдан баҳраманд яшайди. Бундай миллат фарзандлари ўз эркини эл-юрт олдидаги масъулият, ўз йўлини Ватани тақдирини билан уйғун кўради. Зотан, ўзини англаган халқ буюк ишларга қодир. Мозийнинг бу мезони истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз эришаётган улкан ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида халқимиз маънавиятини янада юксалтириш масаласи тўбора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин КОМИЛОВ билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўза мухбирининг сўхбати шу мавзуда — мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ижодкор масъулияти ҳақида бўлди.

— Наинки инсон, балки барча жонзот ҳамisha эркин ҳаётга интилиб яшайди, — дейди Э.Комилов. — Балиқча аквариумда денгизнинг шаронини яратиб берсангиз ҳам, барибир, яйраб суза олмайдисиз. Ақл, дид, танлаш имконияти берилган одамзот учун эса ўз Ватанида эркин-эркин ҳаёт кечиришдан ортик бaxт йўқ.

Қирқ олти йилдан буён мамлакатимизнинг турли гушаларига гастролларга бораман. Собиқ турмуш даврида бир қишлоққа ўн-беш йилдан кейин борсангиз ҳам деврли ҳеч қандай ўзгариш сезмасдингиз. Нари Борса, «қолхоз ё клуб биносини қайта охақлади», деб кўрсатишарди. Одамларнинг одми кийимлари, юзларига барвақт тушган ажинлар, қирқ ёшли «чоллар»ни қўриб, юрагингиз увишарди.

«Отамдан қолган далалар» бадиий филмида шоир ролини ўйнаганман. Уша эпизодда шоир «Тўйларин қишларга қўйган халқим», деб шoър ўқийди. «Идеология опа» эса танбoҳ беради. Чунки ўша пайтларда халқимиз ҳаётий фақат пахта-ғалладан иборат эди. Экранларни, одатда, яққаш манзара — қизларнинг атлас қўйлақда чаккасига чанoқ қистириб, ашула айтиб, пахта тераётган тасвир-

лари эгаллаган эди. Ҳолбуки, дехқоннинг уйига кирсангиз, олдингизга бир тақсимла мева қўйишга холи келмасди. Деворининг қўп-қўп жойлари кўринмасин деб гилам осиб қўйиларди. Гилам ҳам ҳаммада бўлавермасди.

Ҳозир эса бир йил олдин борган қишлоғингизни танишингиз қийин: намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйлар, замонавий мактаблар коллежлар, шифохоналар, дўконлару кафелар, корхонау тўйоналар... Дарвоқе, қишлоқларда тўйоналар кўпаймоқда. Истаган фаслда боринг: тўй устига тўй. Олдинги пастак бошпаналар ўрнига баланд шифтли, замонавий уйлар қурилмоқда. Дарвозахоналар машина сифини учун кенгайтирилмоқда. Қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут йўқолмоқда. Буларнинг барчаси — халқимиз фаровонлиги, ҳамюртларимиз дунё, давр билан ҳамдаман яшаётганининг далили-ку!..

— Истиқлол туйғайди ўзбек театр санъатида қандай ўзгаришлар бўй берди?

— Ким эдинг-у, ким бўлдинг?! Бунини шунчаки ўзгариш эмас, янгилик дегулиш, уйғониш, деб атасак тўғри бўлади. Мустақиллик арафасида театрлар биноси эскирган, машоу қалам ҳақи кескин камай-

ганди. Бугун қулгили туюлар, леқкин ўша пайтлар оддий декорация ясаш ҳам катта муаммо эди. Агар озгина эътиборсизлик бўлса, ўзбек театри бўлгандай йўқолиб кетиши ҳам мумкин эди. Минг шукрки, Президентимиз Ислам Каримов бу фожиага йўл қўймади.

Бир эсланг: барча тармоқда туб янгиликни кетаётган мураккаб иқтисодий-ижтимоий вазиятда давлатимиз театр санъатини изчил қўллаб-қувватлади — ўзбек театрининг мақоми белгиланди, театр санъатини ривожлантириш, актёрларни рағбатлантириш ҳақида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бунинг натижасида ўтган йилларда Ўзбекистонда, бошқа кўпжа давлатларда бўлганидек, труппалар тарқаб кетмади. Аксинча, янги театрлар ташкил этилди. Мана, Ўзбек Миллий академик драма, Ўзбекистон академик рус драма, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрлари, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси драма театрлари бинолари тубдан таъмирланди. Бухоро вилояти мусиқали драма театри учун янги бино барпо этилди.

(Давоми 4-саҳифада).

Кўрик-танлов

Республика болалар кутубхонасида «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси» шiori остидаги республика кўрик-танловининг якуни бўсқичи бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги ва «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши ҳамкорлиқда ҳар йили анъанавий тарзда «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси» шiori остида болалар ўртасида ижодий ишлар танловини ўтказиб келади. Мазкур танлов мамлакатимизнинг тарихий қадамжолари, аждодларимиз қолдирган бeт-тақор асори-атиқалар, асрлар давомида жaxon илм-фан ва маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, бугунги кундаги бунёдкорлик ишларининг кенг қўлами ҳамда

Юртимизнинг етти мўъжизаси

лан таништириш мақсадида ташкил қилинган. Бу йил танловнинг қуйи босқичларида умумтаълим мактабларида таълим олувчи 2500 нафардан зиёд ўқувчи ва «Баркамол вийд»

болалар марказларининг 2000 нафарга яқин тўғарақ аъзоси иштирок этишди. Танловнинг Республика босқичига 11 та худуддан 96 та ижодий иш қабул қилинди. Ўқувчиларнинг ижодий ишларида юртимиздаги ўз салобати ва гўзаллиги билан одамларни ҳайратга соладиган иншоотлар ва табиий масканлар тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш яққол намоён бўлди.

Танлов якунларига кўра, иншо, фотоалбом, видеолава ҳамда расм йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга ҳомийлар томонидан тайёрланган диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Манзура БЕКЧОНОВА, «Туркистон-пресс»

Ҳамкорларимиз

Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда истеъдодли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофоти тасвис этилди. Бугун алоҳида иқтидори, ижтимоий фаоллиги, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият ва спорт соҳасида эришган ютуқлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлган қизлар сони 196 нафарга етди.

Юлдуздай чакнайман бағрингда, Ватан!

Бугунги кунда совриндорларнинг 100 нафардан ортинги умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейи ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртиларида тахсил олмоқда, 30 нафари вазирлик, идора ва ташкилотларда, 10 нафари сиёсий партияларда, 10 нафари олий ўқув юртиларида, 20 нафари марказий ва худудий матбуот нашрларида фаолият юритмоқда. Улар орасидан 7 нафар Президент стипендиаси, 10 нафар Навоий, Ибн Сино стипендиаси совриндори, 20 нафар спортнинг турли

йўналишлари бўйича Ўзбекистон, Осиё ва Жаҳон чемпиналари етишиб чиқди. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг анъанавий анжумани доирасида ташкил этилган видеомулоқотда бу борадаги хайрли ишлар эътироф этилди. Унда лауреат қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, «Оила» илмий-амалий маркази, «Олима», «Тадбиркор аёл» уюшмалари

ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Анжуман фақатгина байрам руҳидаги тантанали тадбир эмас, балки ижтимоий-сиёсий мақсадни олга сураётган жараёнга айланиб бораётгани аини мудоаодир. Бу йилги анжуман «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деб номланган жарандор, ҳаётимизга сингиб бораётган шир асосида ўтказилаётгани ҳар бир иштирокчига кўтаринки кайфият ва жўшқинлик бахш этди.

Видеомулоқотда совриндор қизларнинг ижтимоий фаолият майдонини янада кенгайтириш, жамиятдаги фаоллигини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, қизларни партияларга аъзолигини таъминлаш баробарида аъзоларнинг сифат таркибини яхшилаш, совриндорлар орасида партияларнинг етакчилари, бўлажақ депутатларни тайёрлаш, шунингдек, илмий изланишлар олиб бораётган совриндорларни «Олима» уюшмаси, «Оила» маркази билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, тадбиркорлик билан шуғулланувчиларини «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан қўллаб-қувватлашини ташкиллаштириш каби масалалар кун тартибидан жой олди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Али Мамарасулов билан суҳбат.

— Суҳбатимизни «Энг намунали бошлангич ташкилот» танлови билан бошласак.
— Аввало, ушбу танлов бошлангич ташкилотлар фаолиятига ижобий таъсир этишини алоҳида айтиб ўтишим керак. Утказилган танловда Ховос туманидаги 9-мактаб бошлангич касаба уюшма ташкилоти голиб деб топилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Мактаб бошлангич ташкилоти ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ташаббускорлик қилмоқда. Жорий йилда 7 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди, 25 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Ўзларнинг 27 нафар фарзанди соғломлаштириш оромгоҳига жалб этилди. 2 нафар ходимга сўхатгоҳларга йўлланмалар

олиб берилди. Жамоа саломатлигини тиклаш мақсадида саломатлик спартакиадаси, ўқувчилар ўртасида спорт мусобақалари мунтазам ташкил этиб келинмоқда.
— Тизимда амалга оширилган ишларнинг натижалари қандай бўляпти?
— Хабарингиз бор, март ойида касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг Республика форумида долзарб масалалар ва келажакдаги вазифалар белгилаб олинди. Шунга қўра, асосий эътибор қўйи бўлинларга қаратилган. Бошлангич касаба уюшма ташкилотлари нуфузини, салоҳиятини кўтариш учун барча ишларни қиёқлашмоқда. Касаба уюшмалари тизимида қабул қилинган низоми, йўриқнома ва бошқа

меъёрий ҳужжатлар қайта ишланиб, такомиллаштирилди ва давр талабига мослаштирилди. Яна бир муҳим жиҳати, бу ўзгаришлар аъзоларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган.
— Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бунёдкорлик қилишига қандай қўллаб-қувватлаш бўляпти?
— Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар қандай бажарилаяпти?
— Касаба уюшма ташкилотларининг «Обод турмуш йили» дастурига қўра, аввалламбор, меҳнатқашларнинг уй, маҳалла, иш ҳамда шахсий ҳаётидаги муносиб ҳиссаси ва фаоллиги юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бунда касаба уюшма фаоллари ўрнатилган вазифаларни аниқ, Сардоба туманидаги А.Навоий маҳалласида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, томорқаларига мева-

ли-манзарали кўчатлар ҳамда экин уруғлари касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан олиб берилди. Жойларда режа асосида «Маънавият соатлари» намунали ташкил этилмоқда.
Касаба уюшмалари томонидан таътил даврида турмушнинг оромгоҳларда дам олиши, ходимлар саломатлигини тиклаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида қатор тадбирлар режалаштирилган.
Эзи таътил даврида тўрт мингдан ортиқ болани оромгоҳларда дам олдириш, саломатлик спартакиадасини ўтказиш, 10 та янги иш ўрни яратиш, тарихий шаҳарларга сайёҳатлар ташкил этиш, турли кўрик-танловлар ўтказиш, умуман, меҳнатқашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган бўлиб, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштиришга қўллаб-қувватлаш, янги ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари касаба уюшма хизматига олиш каби масалаларга ҳам жиддий аҳамият берилаяпти.
Суҳбатдош:
Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» муҳбири

Бухоро вилояти Агросоанот мажмуи ходимлари касаба уюшма ташкилотларида бу йилги «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танлови аввалги йиллардагидан кескин фарқ қилди. Тармоқнинг шахар ва туманларида голибликка эришган жамоалар танловнинг вилоят босқичига катта тайёргарлик билан келганлиги яққол намоён бўлди. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Абдусалом Раҳмонов раисликдаги комиссия аъзолари 12 та ташкилот фаолиятини батафсил ўрганиб чиққач, Бухоро шаҳридаги «Шохруд» ОАЖнинг бошлангич касаба уюшма ташкилотини кўрик-танловнинг вилоят босқичи голиби сифатида эътироф этишди.

Ибрат

176 нафар касаба уюшма аъзолари муваффақият билан қўриқ-танловнинг вилоят босқичида қатнашди. Уларнинг 12 таси голиб бўлиб, 110 нафар аъзолари қўриқ-танловнинг вилоят босқичида қатнашди. Уларнинг 12 таси голиб бўлиб, 110 нафар аъзолари қўриқ-танловнинг вилоят босқичида қатнашди. Уларнинг 12 таси голиб бўлиб, 110 нафар аъзолари қўриқ-танловнинг вилоят босқичида қатнашди.




Яқинда Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган касаба уюшма кўмитаси тасарруфидаги бошлангич ташкилотлар ўртасида «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилди.

Илғорлар танланди

Касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, мавқеини ошириш, жамоанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бошлангич ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлаш, касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш йўналиши бўйича фаолиятни кучайтиришга қаратилган танлов юқори савияда ташкил этилди. Бошлангич ташкилотлар тақдим этган ҳужжатлар бирлашган кўмита комиссияси томонидан Низом ва баҳолаш мезонлари асосида чуқур таҳлил қилиниб, ўрганилди.
Натижада, тармоқнинг учта касаба уюшма кўмитаси: «Максам-Чирчиқ» ОАЖ (1-ўрин), «Навоийазот» ОАЖ (2-ўрин), «Фарғонаазот» ОАЖ (3-ўрин) соврилли ўринлар соҳибига айлинди. Улар тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг тегшили Диплом ва кимматбахо совғалари билан тақдирланди. «Максам-Чирчиқ» ОАЖ кўмитаси кейинги босқичда иштирок этадиган бўлди.

З.ЎРИНБОВЕВ, Республика БКУКнинг етакчи мутахассиси



Кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида бошлангич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият берилаяпти. «Энг намунали бошлангич ташкилот» республика кўрик-танлови фикримиз исботидир.

Муносиблик

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси тасарруфидаги бошлангич ташкилотлар ўртасида ўтказилган маъруз танлов муваффақиятли эканлигини. Вилоят босқичида ҳакамлар ҳайъати томонидан Навоий шаҳридаги 11-мактаб бошлангич касаба уюшма кўмитаси «Энг намунали бошлангич ташкилот» дея эътироф этилди.
Танловнинг вилоят босқичи 81 та бошлангич ташкилотнинг ҳар биридан пух-

та тайёргарликни тақозо этди. Низом талаблари даражасидаги ҳужжатлар, қайдоки ва фотолавлар ҳозирланиб, ташкилотларнинг фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинди.
Яқини гапнинг қаноти бўлади дейдилар. Шаҳардаги намунали муассасалардан саноатдан 11-мактаб томон йўл олди. У ерда 136 нафар аъзо манфаатлари ҳар томонлама ҳимояланаётганига гувоҳ бўлди. Иш берувчи ва касабақўм раиси ўртасидаги ҳамкорликка ҳар қанча ҳавас

қилсак арзийди. Етакчи учун ажратган хона кенг ва ёруғ, давр талабига хос жиҳозланган. Муҳими, аъзолар ўз манфаатлари ҳимоси ишончи қўлларда эканига шубҳа қилмайди.
Касабақўм раиси, география фани ўқитувчиси Рустам Абдиевдан барча мамнун. У 2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочили» кўкрак нишонига лойиқ деб топилган. 2012 йил эса «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Жорий йилда эса Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жағмарасининг педагогик грантлар дастури савридорига айланган.
Рустамжоннинг мақсади катта. У биринчи навбатда жамоа аъзолари учун наф келтиришни истади.
Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

Андижон вилояти Бўз туманидаги «Тўхтаон Тешабоева» хусусий корхонасида тайёрланаётган совгабоп гиламларга буюртма тобора кўпаймоқда.

Суратда: иш юритувчи Сурайё Қўқорова шогирди Хумора Жакбарова билан.
Хурсандбек АРАББОВ (ЎЗА) олган сурат

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларида

Ўзбекистон касаба уюшмалари ижтимоий шериклик тамойиллари асосида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар меҳнатини муҳофаза этиш, маънавий савияларини юксалтириш, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига кенг жалб этиш йўли билан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эътибор ва эҳтиром

Бугунги кунда Кимё соҳаси бўйича бирлашган касаба уюшма кўмитаси тизимидаги барча корхоналарда хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ташкил этилган. Уларни тузишдан мақсад — тармоқда меҳнат қилаётган хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, касбий тайёргарлиги, малакаси ва билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришдир. Шунингдек, маъруз комиссияси аёлларимизга белгиланган имтиёз ва қўллаб-қувватлаш бўлими бўлиб, қўйи касаба уюшма кўмиталари фаолиятини мувофиқлаштиради. Тармоққа қарашли корхоналар жамоа шартномалари-

га «Аёллар ва ёшлар учун имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилиб, мактабга ёшдаги болалари бўлган аёлларга ойда бир кун ҳамда икки ва ундан ортиқ, 12 ёшга қаранда бўлган аёлларга иш ҳақлари сақланган ҳолда иш кунини 1 соатга қисқартириш ва 3 иш кунидан иборат қўшимча таътиллаш бериш, 14 ёшга қаранда бўлган ва ҳомиладор аёлларга тўлиқсиз иш ҳафтасини белгилаш, бола тарбияси муносибати билан таътилга чиққан аёлларга моддий ёрдам бериш, уларни тибиий муассасаларда бепул даволаш ва ёш аёлларни тибиий қўриқдан ўтказиш каби мажбуриятларнинг киритилишига эришилган. Кимё соҳаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда

ишловчи фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунча қадар бўлган 310 нафар аёлга 102 млн.760 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.
Корхона ва ташкилотларда ишловчи аёллар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шартноларини яратилишини таъминлаш — ишлаб чиқаришда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишининг яна бир муҳим қиррасидир. Меҳнат муҳофаза зиси бўйича мутахассислар томонидан соғлом ва хавфсиз иш шартноларининг яратилишини таъминлаш ҳамда ишловчиларнинг олдини олиш ҳодисаларининг олдини олиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор корхона ва ташкилотларда иш жойларининг шаҳодатланганлигига, ишловчиларнинг санитария-маъший

хоналар ҳамда махсус кийим-бош ва яқка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги, техника хавфсизлиги қоидалари бўйича ҳо-

Юлдуздай чакнайман бағрингда, Ватан!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг янги ташаббусига асосан ҳар бир партиянинг худудий вакиллари ва худудий кўмиталар ҳамкорлигида совриндор қизлар ўртасида партиаларнинг дастурлари, мақсад ва вазифалари тарғиб этилди.
— Зулфиянонимдек улуғ зотнинг номи билан аталган мукофотга лойиқ топилганимдан чексиз хурсандман ва ўзимда қўллаб-режаларни амалга ошириш учун масъулият сезаман, — дейди 2005 йилда Зулфия номи Давлат мукофотининг адабий йўналиши бўйича совриндори бўлган Гулиногор Авазова. — Мукофот ютуқларимга қанот бўлди, магистратурани тамомладим. «Пост»да газетасида фаолият кўрсатиш билан бирга Мазбуотда шерларим босилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Миллий кутубхона ҳамкорлигида санаторийларда ташкил этилган адабий учрашувларда фаол иштирок этаман. Яна шериятга қизиқувчиларга билганимча ўргатаман. Орауларим кўп. Менимча, нуфузли давлат мукофотини олган ҳар бир қиз тимисиз ўз устиди ишлаб, жамият ривожига ҳисса қўшиши керак.
— Зулфия номидаги мукофот соҳибаси бўлиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Қайга бормайлик, элнинг назаридамиз: бизга Зулфия-

ноним издошлари сифатида эҳтиром кўрсатишди, — дейди жорий йилда ЭХМ йўналиши бўйича мукофот совриндори бўлган Бекобод тумани Далварзин маъшиш касб-хунар коллежи битирувчиси Муҳаббатхон Тоирова. — Ушбу номга лойиқ бўлиш учун астойдил меҳнат қиляман. Келажакда янада фаол бўлиб, шарафли, масъулиятли вазифаларни адо этишга ҳарқат қиламан.
Шунингдек, анжуманда совриндорларнинг 28 нафари тадбиркорлик билан ҳам шуғулланаётгани алоҳида таъкидланди, улар билан «Тадбиркор аёл» уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик бундан кейин янада мустаҳкамланиши белгилаб олинди.
60 нафардан ортиқ олимпиа қизларга илмий фаолиятида «Олимпиа» уюшмаси ва «Оила» илмий-амалий маркази яқин ҳамкорлигини ўрнатиш борасида тавсиялар берилди.
Анжуманда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова қатнашди ва совриндор қизларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини ошириш учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтди.
Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» муҳбири

Умумбашарий масала

ТАБИАТ ВА ЭКОЛОГИЯ, ИНСОН ВА БУРЧ



Инсон ва табиат ўртасидаги боғлиқлик ниҳоятда нозик масала. Зеро, инсоният ва жонзотларнинг узок умр кўриши, соғлом ҳаёт кечириши атроф-муҳитнинг нечоғли мусоффолигига боғлиқ. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан давлатимиз раҳбарининг

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да белгиланган берилган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда соҳага оид кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўз МТДП фракцияси аъзоси Мавжуда РАЖАБОВА куйидагиларни сўзлаб берди:

— Экология — биз яшаб турган муҳит, кишлоқ ва шаҳарларимиз. Ҳар қуни тонгдан ишга, эл хизматиға отланмиш. Бир зум тўхтаб атрофга назар ташласак, кенг далалар, серҳосил боғларимиз нақадар гўзал эканлигини кўриб, қалбимиз яйрайди. Она еримиз бой, саховатли. Афсуски, ун-

дан фойдаланишда салбий оқибатлар ҳам намоён бўлмоқда. Табиатнинг ифлосланиши нафақат маҳаллий ёки минтақавий, балки бугунги кунда умумбашарий тус олди. Табиатнинг ҳар бир бўлаги мувозанатда бўлиб, унда ўз берадиган ҳар қандай ўзгаришлар албатта унинг мувоза-

натиға таъсир қилади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Экологик муаммоларни ҳал этиш ва экологик хавфни бартараф қилиш қанчалки муҳимлигини Президентимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида батафсил ёритиб берган бўлиб, экологик хавфсизлик — миллий хавфсизлигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва асосини ташкил этади, десак муболаға бўлмади. Шу боис биз умуммиллий бойлигимиз бўлган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захираларимизни асрашимиз лозим. Чунончи, Конституцияимизнинг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», 50-моддасида эса «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар»,

деб қайд қилинган бегиз эмас. Зеро, ундан нотўғри фойдаланиш экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Экологик хавфсизликни таъминлашда ҳар бир фуқаро ўз хиссасини қўшиши лозим.

Аслини олганда, азалдан халқимиз ўз она ери, табиати-ни эъзозлаб, ундан оқилона фойдаланиб келган, кадрларга, инсон билан табиат ўртасидаги боғлиқлиқни, унинг сирларини ўрганишга интиланган, табиатга бўлган ўз эҳтироминини намоён қилган.

Табиат ҳодисаларининг тақомиллашиб боришидаги тушунча ва таълимийлик, инсон билан табиат ўртасидаги боғлиқлик Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Амир Темур, Алишер Навоий каби давлат арбоблари доим ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор қаратган.

Табиат сирларини ўрганиш-деб қайд қилинган бегиз эмас. Зеро, ундан нотўғри фойдаланиш экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Экологик хавфсизликни таъминлашда ҳар бир фуқаро ўз хиссасини қўшиши лозим.

булган интилишни буюк аж-доқларимиз томонидан яратилган дурдона асарларни ўрганиш орқали билиб олиш мумкин. Ал-Хоразмий «Китоб сурат ул-арз» номли асарида 637 та ноёб табиий жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилоти, денгизлар, дарёлар, океанлар, ҳавзалар шакли, уларда жойлашган ороллар координатлари тўғрисида ўз фикрларни баён қилган. Абу Райҳон Беруний «Сайдана» асарида 1116 турдаги ўсимлик ҳамда 101 та ҳайвон турларини батафсил таърифлаб берган. Аллома ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, табиатдаги барча ҳодисалар муайян табиий қонуният асосида юз беришини, ташқи кучлар таъсири уни издан чиқариши мумкинлиги тўғрисидаги ҳулосага келган.

Форобийнинг «Ҳиндистон дорилари ва доривор ўсимликлари» «Наботот деҳқончилиги ҳақида», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Ҳайвон аъзолари ҳақида сўз» каби асарларида ҳам табиат ва инсон оми-лига эътибор қаратилган. Буюк саркарда Амир Темур

давлат бошқарувида ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратгани «Темур тузуқлари»да ўз ифодасини топган. Чунончи, қаровсиз ерларни обод қилишга, уларни ҳосилдор ерларга айлантириш ҳақида қўрсатмалар берилган ҳароб бўлиб ётган ерлар эғасиз бўлса, ҳолиса, яъни давлат ерларини бошқарувчи маҳкам томонидан обод қилиниши қайд қилинганлиги эътиборга лойиқ. Яна ул зотнинг ҳароб бўлиб ётган жойларда қурилишлар қилиниши, бузилган кўприкларни тузатиши ва дарёлар устига янги кўприклар барпо этиши атроф муҳит, табиатга эътибордан далолат беради.

Бугунги кунда экологик муаммоларни ҳал этиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда, жамиятда экологик онг ва экологик маданиятни шакллантиришда халқимизнинг бой миллий анъаналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилик соҳаси босқичма-босқич янгиланган, тақомиллашиб бормоқда ва шу соҳада мажмувий қонуний-ҳуқуқий база яратилди.

Ҳозирда қарийб 30 га яқин қонун ва 350 дан ортик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ҳамда фуқароларнинг мақбул атроф муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлайдиган халқаро конвенциялар, шартнома ва битимлар ратификация қилинди ҳамда имзоланди. Биргина ўтган йилда депутатлик ташаббуси асосида 3 та янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда 4 та амалдаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали ушбу йўналишлардаги қонунчиликни тақомиллаштириш устида иш олиб борилди.

Мамлакатимизнинг ноёб табиати асраб-авайлаш, миллий бойлиқларимиздан оқилона фойдаланиш, табиий муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий ҳамда халқаро қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ҳамда ижросини таъминлаш учун барчамиз бурчилишимиз.

«Ishonch» мухбири Амина ҚОДИРОВА ёзиб олди

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Вазирлик фаолиятининг биринчи ярим йиллик якунлари ва истиқболдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Уни Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Отабек Мусаев кириш сўзи билан очди.

Бажарилган ишлар анчагина қилинадиган вазифалар ҳам кўп

Қайд этиш лозимки, республикаимиздаги 37 та театрда жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 5 минг 840 та, жумладан, 592 та янги спектакл намойиш этилди. Шуларнинг 2002 таси кишлоқ жойларда, 410 таси болалар ва ўсмирлар ҳамда кам таъминланган оилалар учун бепул ташкил қилинди. 500 га яқин концерт томошалари уюштирилиб, маданият уйлари, кишлоқ клуб муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда музейларда 34 минг 546 та тadbир ўтказилди.

Шунингдек, умумхалқ байрамларини юртимизнинг барча ҳудудлари ҳамда маҳаллаларида юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада тақомиллаштириш дастурига мувофиқ 2015 йил охиригача 77 та янги боғ ташкил этилиши, мавжуд 148 та боғнинг 105 тасини капитал реконструкциялаш, 29 тасини капитал ҳамда 14 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган.

Спорт соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 3 минг 627 та оммавий спорт тadbир ўтказилди. Вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш мақсадида 3 минг 80 та оммавий спорт мусобақаси ташкил этилди. Мамлакатимиз спортчилари томонидан Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ўтказилган 99 та халқаро мусобақа ҳамда ўқув машғулотлари йилнинг 123 та олтин, 120 та кумуш, 127 та бронза медал қўлга киритилди. Таъкидлаш лозимки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг 65-бандини бажариш юзасидан жо-

рий йилнинг 25 июнида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам-олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айни мuddао бўлди.

— Мазкур қарорга асосан аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ўсиб бораётган маданий-маърифий эҳтиёжини қондириш, бўш вақтини мазмуни ва самарали ўтказиш мақсадида 2018 йилгача 894 та замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази ташкил этилади, — дейди биз билан суҳбатда вазирлиқнинг бошқарма бошлиғи ўринбосари Маҳаммад Турдиев. — Бу, шубҳасиз, халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар давомида шакланган юксак маънавияти, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва ҳар томонлама баркамол шахсларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, жойларда профессионал, халқ ва хаваскорлик ижодиёти, театр, мусика, эстрада ва халқ амалий санъатини ривожлантиришни таъминлайди.

Тadbирда санъат, маданият ва спорт йўналишидаги таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаш ҳамда 2013-2014 ўқув йилида вазирлик тизимидаги таълим муассасаларида ўқув сифати ва самарадорлигини ошириш, кадрларни сифатли ва мақсадли тайёрлаш бўйича ҳам сўз юритилди.


Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Нуқсулик Олимбой Абдусодиқов хонтахта, курси, сандиқ каби уй-рўзгор буюмлари яшаш билан шуғулланади. Устадан «устоз-шоғирд» аъёнаси асосида ҳунар ўрганган кўплаб шоғирдлар мустақил фаолият юритаётир.

Суратда: хунарманд Олимбой Абдусодиқов шоғирди Давронбек билан.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат



Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJda бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Республика Суд қарорларини ижро этиш судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг 2013 йил 2 апрел 20-05/02-191-сонли хатига асосан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бош-

қармасига балансида бўлган, Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 80-уй манзилида сақланаятган қуйидагилар қўйилмоқда.
1. «Нексия Сонс» русумли, д/р 19 АҚ 190 бўлган, 2002 й/и/ч таъмирталаб автомашина. Б/б — 6 328 967 сўм.
2. «Нексия Донс» русумли, д/р 75 052 ЖАА бўлган, 2003 й/и/ч таъмирталаб автомашина. Б/б — 8 650 538 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 8 август кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2013 йил

8 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 22 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2013 йил 8 август учун, 2013 йил 6 август ва 2013 йил 22 август кuni учун, 2013 йил 20 август кuni соат 18:00.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам

бўлмаган миқдорда закалат пуллини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.
Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Ҳўжаев кўчаси, 32-уй, «Тadbиркорлар маркази» биноси.
25 октябр 2011 йилдаги рeсeстр рақами 972-сонли гувоҳнома.
Хизматлар лицензияланган.

«Умид Гулшани» санаторийси ўртасида тузилган шартномага асосан 200 нафар аёл тиббий қўриқдан ўтказилиб, мутахассислар маслаҳатини олди.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатлар ва маросимла-

монидан қариллик гаштини сурраётганлар, шу жумладан, аёллар, яқка-ёлғиз, ўзгалар меҳр-мурувватига муҳтож қариялар ҳолидан хабар олинади.

кўрсатилмоқда

римишни қадрлаш, дўстлик, биродарлик ҳамда меҳр-оқибат, иймон каби фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётган Наврўз, Хотира ва қадрлаш кuni, энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик тантаналари барча бошлангич таъкилотларда, ишчи ва хизматчилар иштирокида кенг нишонланмоқда. Байрамлар арафасида кам таъминланган, кўп болали оилалар, меҳнат фахрийлари, Меҳрибонлик уйлари, ногирон ва хасталар ҳолидан хабар олинади, меҳр-мурувват кўрсатилмоқда. «Кимёгарлар кuni» муносабати билан «Жиззах Пластмасса», «Андижон биокимё» заводи, «Биокимё», «Тошкент Лок-бўёқ заводи» ОАЖлари ва бошқа тармоқ тизимидаги корхоналар то-

монидан қариллик гаштини сурраётганлар, шу жумладан, аёллар, яқка-ёлғиз, ўзгалар меҳр-мурувватига муҳтож қариялар ҳолидан хабар олинади.
Хотин-қизлар ўртасида оммавий-маданий ишларни

тилган бўлиб, ошхона, тиббий бўлим, кутубхоналар фаолият юритилмоқда. Жумладан, «Кўқонспирт» ОАЖда ташкил этилган спорт мажмуасида ходимлар, айниқса, аёллар ишдан бўш вақтларини сермазмун ва фойдали ўтказиш-

лар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон тарихини ўрганиш, тарихий қадриятлар билан танишиш ва эъзозлаш мақсадида биринчи навбатда талаба қизлар ва кам таъминланган фаол аёллар учун республиканинг тарихий жойларига савҳатлар уюштириш аъёнанага айланган. Жумладан, Обод турмуш йили муносабати билан Самарқанд шаҳрига уюштирилган савҳатга «Максам-Чирчиқ» ОАЖдан юборилган 40 нафар ходимнинг 31 нафари аёлдир. Шунингдек, Ангрэн шаҳар Кимё саноати касб-ҳунар коллежидан савҳатга борган 50 нафар ходимдан 36 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.
Ишловчи аёлларга эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг қонуний ҳақ-хуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш, оила ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, фарзандлари саломадлиги ва камоли учун ғам-хўрлик кўрсатишни тармоқ касабга уюшмамиз ҳамisha ўзининг жонажон иши деб билади.
Хурийфа КОСИМҲУЖАЕВА,
Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган касабга уюшма кўмитасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

Хурматли тadbиркорлар ва азиз ҳамюрдлари!

«Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилояти филиали Хусурийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда Бухоро вилояти, Пешкў тумани, Пешкў ҚФЙ, Пешкў кишлоғи ҳудудидан яқка тартибда ўжой қўриш учун 400,0 кв. метрдан иборат 8 та ер майдонлари 2013 йил 13 август соат 11:00 да аукцион комиссияси иштирокида бўлиб ўтадиган, объектнинг бошлангич баҳоси қадам-бақдам ошиши тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошлангич баҳоси 480 000 сўм. Савдолар «Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг савдолар залида бўлиб ўтади. «Аукцион» савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидидаги харидорлар «Савдо ташкилотчиси» — «Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилояти филиалига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: аукцион савдосида катнашиш учун белгиланган шаклдаги талабнома; Закалат тўғрисидаги келишув; Закалат шартномасини имзолаб; Савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Турон» банк Бухоро филиали, МФО 00111, СТИР 302269399, 20208000704975228005 ҳисоб рақамига

объект бошлангич баҳосининг 15 фоиз миқдориди гапор пуллари тўлашлари тўғрисидаги тўлов ҳужжати-нинг асли нусхаси; Жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, агарда унинг вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома, Ҳуқуқий шахслар учун — шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда, аукцион ваколатли вакил катнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади. Аукцион савдоси голиби 20 кундан кечикми олдиди-содди шартномасини имзолashi лозим. Ер май-донлари учун аризаларни қабул қилиш 12 август соат 11:00 да тухтатилади.
Юқоридаги санада сотилмай қолган ер майдонлари 2013 йил 27 август ва 3 сентябр кунлардаги «Аукцион» савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Бухоро ш. Қарши дарвоза-си кўчаси, 1-уй. Тел: (8 590) 712-27-85. Электрон манзил: buxoro@realtor.uz, интернетдаги сайт: www.realtor.uz.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2512 AVTOJAMLANMA» ДУКнинг 2013 йил 5 июндаги 1/10-92-сонли бюртномасига асосан, «2512 AVTOJAMLANMA» ДУКга тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Утепа тумани, Уйғур кўчаси, 487-«А»-уй манзилида сақланаятган «МАЗ-55-49» русумли, давлат рақами 10 АУ 225 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси тақрирлан қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 4 352 864,99 сўм.
Савдо 2013 йил 26 июл кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушилик). Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2013 йил 24 июл кuni соат 18:00.
Автотранспорт воситаси 2013 йил 26 июл кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 2, 9, 16 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 2 августдаги такрорий савдолар учун 31 июл кuni соат 18:00; 9 августдаги савдолар учун 7 август кuni соат 18:00; 16 августдаги савдолар учун 14 август кuni соат 18:00да тухтатилади.
Савдо голибига 10 иш кuni ичи-да сотувчи билан олди-содди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пуллини, ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850, ОКОНХ: 83300
Манзил: Тошкент ш., Миробод т. ш., Истикфол кўчаси, 34-уй. Тел: (8-371) 236-38-28. www.rtm.uz. Гувоҳнома: 006231.
Хизматлар лицензияланган.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Яқинда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрида яратилган шарт-шароитни кўриб, озғин очилди...

Собик тузум давридаги ишларни эсласа, одамнинг юраги увишади.

Эсимда бор: санъатимиз дарғаси Шукур Бурхонов таклифи билан бир филм бош қаҳрамони учун имтиҳон топширдим.

Кўп устозларимиз «қанийди, Амир Темур бўлиб бир саҳнага чиқсам...» деган армон билан ўтиб кетди.

Юртбошимизнинг қатъияти ва жасорати, истиқлолимиз шарофати билан ҳали шўро

салтанати ҳукрон бўлиб турган йилларда — 1989 йилда она тилимизнинг мавқеи тикланди — давлат тили ҳақида қонун қабул қилинди.

Эркин КОМИЛОВ:

Ўзини англаган халқ буюк ишларга қодир

— Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тийғирлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»...

— Халқимиз мустақиллик туғайли ўзини, қандай улуг зотларнинг авлоди эканини, кадр-қимматини англаб етди.

маган футболчиларимиз жаҳон чемпионатида кучли саккизликка кирганини қаранг... Агар мустақиллик, бугунгидек осуда ва тинч ҳаёт бўлмаганида, табиийки, кўникиб бораётганимиз — шундай ютуқларни фақат тушда кўраддик.

Халқимиз — аҳил, яхши-ёмон кунда елкадош: қувончу мусибатда бўлсин қавм-қариндош, дўст-яқинлар, маҳалла-қўй даровор етиб келадди. Ана шу ҳамжиҳатлик асо-

синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

— Санъатнинг олтин қойдаси бор: ҳар қандай об-раз жонли, табиий бўлсагина, томошабин унинг кечин-маларини ўзидан топа олсагина, шу образ халқ қалбидан чуқур жой олади.

Бугун санъатимизда, адабиётимизда ана шундай об-разлар яратилган асарлар тобора кўпаймоқда.

— Бугун санъаткорларимиз олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

Биз юксак маданият ва маънавий ворисларимиз. Мустақиллик қандай оғир курашлар авазига қўлга киритилганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ўзбек кино ва театр санъатининг эртаниги тараққиёти — халқ тили ва дилини англайдиган ёш ижодкорларга боғлиқ.

Санъат ўз ҳолича тараққий эта олмайди. Ҳар бир асарга, ҳар бир ролга фикр, муносабат билдирилса, саёз асарлар камаяди.

— А.У. муҳбири Умид ЕҚУБОВ сўхбатлашди.

«Осиё ўйинлари — 2013»

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида якунига етган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинларида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этди.



Уч олтин, тўрт кумуш, уч бронза

Компютер ўйинлари баҳсларида Сардор Абдуллаев кумуш медалини қўлга киритди. Бу ҳамюртимизнинг қитъа миқёсидаги иккинчи медалидир.

Муайтай бўйича 75 кг.гача оғирқабатли спортларда баҳсида иқтидорли спортчимиз Саидхамд Орипов бронза медал билан тақдирланди.

Компютер ўйинлари (FIFA — 2013) бўйича ўтказилган мусобақаларнинг гуруҳ босқичида Ветнам ва эронлик спортчиларни мағлуб этган Павел Саприкин чорак финалда эронлик, ярим финалда эса малайзиялик спортчида устун келди.

Вазни 81 кг.гача бўлган полвонлар беллашувида Санжар Тўхташев таиландлик Суван Напхунгени, суриялик Метхал ал-Жараманини, ярим финалда мезолон вакили Чанкю Кимни мағлубиятга учратиб финалга чиқди.

57 кг.гача бўлган хотин-қизлар ўртасидаги финал баҳсида спортчимиз Гулёр Отажонова эронлик Сомиа Хайдарини мағлубиятга учратиб, олтин медал соҳибига айланди.

Яна бир полвонимиз Сўҳроб Худойбердиев (66 кг.) бу гал кумуш, Гийёсжон Бобоев эса бронза медал билан кифояланди.

Осиё ўйинларининг кикбоксинг баҳсларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Шундай қилиб, уч олтин, тўрт кумуш, уч бронза медалини газ-намизга қўшиб қўйган терма жамоамиз аъзолари 45 давлат ичидан кучли ўнликдан жой олдилар.

Енгил атлетика



Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган XX Осиё чемпионатида 43 давлатдан 1000 дан зиёд спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Қизлар — етакчи

Жумладан, узунликка сакраш бўйича ўтган мусобақада тажрибали спортчи Анастасия Журавлева 6 м. 36 см. натижа кўрсатиб, кумуш медал совриндори бўлди.

Осиё чемпионатининг иккинчи кунини ўзбекистон делегациясининг ҳазинаси яна биттадан олтин, кумуш ва бронза медаллари билан бойиди.

Терма жамоамиз ҳисобига олтин медалини баландликка сакраш мусобақасида Надия Дусанова келтирди.

Осиё чемпионатининг бронза медалига ўнкураш мусобақаларида Леонид Андреев сазовор бўлди.

XXVII Жаҳон универсиадаси

Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтатган XXVII Жаҳон универсиадасида дунёнинг 170 га яқин мамлакатидан 13 мингдан зиёд талаба спортнинг 27 тури бўйича 351 медаллар жамланмаси учун кураш олиб бормоқда.



Дастлабки натижалар

Биринчи кунги беллашувлар якунига кўра дзюдода юртимиз ша-рафини ҳимоя қилган Соиб Қурбонов (100 кг.гача) бронза медалини қўлга киритди.

Шунингдек, белбоғли кураш баҳсларида иштирок этган Нозимжон Иброҳимжонов (90 кг.гача) ҳамда Заулобиддин Ортиқов (75 кг.гача) ҳам учинчи бўлдилар.

Мусобақа давом этмоқда.

Бокс

Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Екатеринбург (Россия) шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда кучли уликдан ўрин олдилар.

Ўктамнинг ўктамлиги

69 кг.да рингга кўтарилган Осиё чемпиони Ўктам Раҳмонов Ренат Халимов, Алфред Иброҳимов (Россия)ни мағлубиятга учратиб, финалга йўллана олди.

Эш боксчиларимиз Фарход Полвонов ҳамда Азизхон Маматовга бронза медаллари насиб этди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Биласизми?..

Дастлабки метрополитен Лондонда, 1863 йилнинг 10 январь кунини эш бошлаган. Айни вақтда у 268 та бекатга эга.

Дунёнинг энг узун ва энг нуфузли метро-си Москвада. Москва метросининг 12 йўналишида 176 та бекат бўлиб, метрополитеннинг умумий узунлиги 292,9 километри ташкил қилади.

Прага метроси антикалиги билан ажралиб туради. Унда кечки йўналишлар йўқ. Бундан ташқари, метрода фойдаланиладиган йўл чиптасини трамвай, автобус, Петржинадаги фуникльор (темирийёр транспорти) ҳамда Прага ҳайвонот боғидаги лифтда ҳам ишлатиш мумкин.

Токио метрополитеннинг «Синдзюку» бекати энг гавжум бекат бўлиб, ундан кунига 2 миллион нафар йўловчи фойдаланади.

Дунёдаги энг чуқур метро Шимолий Корея пойтахти Пхеньяндадир. 110 метр чуқурликдаги метро бекатлари ҳарбий муҳофазалар асосида бунёд этилган.

Шанхай метросида эса тўлов ҳаракатланмиш масофасига қараб амалга оширилади.

Йўловчилар энг кўп адашадиган ва энг чалкаш метро Париж метросидир.

Интернет хабарлари асосида Жамшид ЭРГАШЕВ тайёрлади



Жараён

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси давлатимиз сибсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган бўлиб, «Соғлом она — соғлом бола» тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши бугун ўз самарасини бермоқда.

Баркамол авлод камолоти йўлида



Маълумки, мактабгача таълим узлук-сиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У болада ўқишга иштиёқ уйғотиб, тизимли ўқувга тайёрлади.

бажара бориб, Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим концепцияси ҳамда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган Давлат талаблари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, бу ерда мактаб билан ҳамкорликдаги ишлар намунали йўлга қўйилган.

— «Кўёшча»нинг ўз номига монанд бўлишини таъминлаш мақсадида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди мудира Мухлиса Носирова.

Таълим-тарбия йўналишида йўлга қўйилган тизимли ишлар натижасида мақдур мактабгача таълим муассасаси 2011 йилда «Мактабгача таълим муассасаси имиджини» кўлга киритиб, ўз логотипи ва эмблемасига эга бўлди.

— Жамоамизнинг етарли билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар билан таъминланганлиги, меҳнат қилиши учун яратилган қўлай шарт-шароитлар, амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоя тадбирлари ҳар биримизни ўз устимизда тинимсиз ишлаш ва самарали натижаларга эришишга ундамоқда.

— Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир боланинг яхши хулқ эгаси бўлиб волга етишида тўғри тарбия бериш муҳим аҳамият касб этади.

Мақдур йўналишлардаги ишлар инсон манфаатларини таъминлашга, инсон омилига қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Муҳаббат ДАВРОНОВА, журналист

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Muassis: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati: Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va o'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev, Navbatchi: N.Mahamov, Musahhih: S.Shodiyeva. Bosishga topshirish vaqi: 21.00, Topshirildi: 21.30. E-mail: ishonch2012@gmail.com.